



ТИҚХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш
Муҳандислари Институтини

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



“ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги анъанавий *XVIII* -
ёш олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий
- амалий анжумани




XVIII - traditional Republic
scientific - practical conference of
young scientists, master students
and talented students under the
topic

“THE MODERN PROBLEMS OF
AGRICULTURE AND WATER
RECOURCES”

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент – 2019 йил, 28 – 29 март

65.	Habibullayev M.M. - TIQXMMI magistranti	Releli diagramma ld dasturlash tili va uni qo'llanilishi	183
66.	Obidova D.G. - katta o'qituvchi, TQKK-NK, Rasulova Z.Sh. - talaba, TIQXMMI	Wi-fi dan Li - Fi gacha bo'lgan davr	186
67.	Karimova M., Xayrullayeva D. - TIQXMMI talabalari	Suv taqsimoti masalasining matematik modeli	188
68.	Tursusho'jayeva D.D. - TIQXMMI talabasi	Suv resurslarini iqtisodi va ularni muhofaza qilishni ekonometrik modellar orqali tahlil qilish	191
69.	Alimova Z.N. - mustaqil talqinchi, TIQXMMI	Suvdan foydalanishni boshqarishni matematik modellar orqali tahlil qilish	192
70.	Erlokov Sh.L. - TIQXMMI talabasi	Chizma geometriya va mukundislik grafikasi fanidan mustaqil ishlarini bajarishda axborot ta'lim texnologiyasining ʻrni	195
71.	Vahobov J.A., Xatamov A.P. - TIQXMMI talabalari	Jaraenlarni ʻrganishda axborot texnologiyalaridan foydalanish	198
72.	Matjubova M.I. - TIQXMMI talabasi	Kubik tenglamalarni echish usullari	200
73.	Nematov N.S. - TIQXMMI talabasi	Matlab-simulink dasturida hajmli hidrouzatishlarni matematik modellash	203
74.	Xolova S.O. - TIQXMMI magistranti	Ta'lim jaraenida axborot texnologiyalaridan foydalanish muammolari va afzalliklari	205
75.	Aynakuov Sh. A., Gulamova A., Shog'raev B. - TIQXMMI talabasi	Qishloq x'jaligi mahsulotlarini aqli xosili uchun korrelyatsiya ko'effitsienti va chizikli regressiya tenglamasi	207
76.	Yuldasheva N.I. - student TINIMSX	Informatsionnye texnologii v obespechenii ekologicheskoy bezopasnosti promyshlennyykh ob'ektov	209
77.	Yakupbekova Z. Ch. - TIQXMMI talabasi	Sotsial tarmoqlar yaratishda pr texnologiyalarning ʻrni va ta'siri	212
78.	Erkinov Z.SH., Abdshabiyev J.I., Qurbonova M.T. - TIQXMMI talabalari	Umumtexnik fanlarni oqitishda FSMU metodining o'rni	215
79.	Isroilova D.A. - student of TPAME	A framework of information technology for water resources management	217
80.	Mirzabekova Sh.U. - TIQXMMI talabasi	Grafik dasturlar, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish omili sifatida (autocad va archicad dasturlari misolida)	220
81.	Karimova D.F. - TIQXMMI talabasi	Tuproqning g'ovakligini qattiq, suyuq, gazsimon holatini aniqlashda ms excel dasturidan foydalanish	223
82.	Uzganboyeva M. - TIQXMMI talabasi	WiFi texnologiyasi tushunchasi va uning asosiy ishlash prinsipi	225
83.	Maxmudova N.D. - TIQXMMI talabasi	Ta'lim sohasida axborot texnologiyalaridan foydalanishning dolzarbligi	227
84.	Musayev S.S. - TIQXMMI talabasi	Stereometriya masalalarini yechishda zarur bo'lgan sinuslar orasidagi bog'lanishlar	230
85.	Vahobov J.A. - TIQXMMI talabasi	Qishloq xo'jaligi qo'llaniladigan matematikaning ahamiyati	233
86.	Batirova A. - studentka TINIMSX	Metod postroyeniya tochi v razlichnykh oktantax po sovremenным pedagogicheskim texnologiyam	236
87.	Farhodov O. - TIQXMMI talabasi	Ba'zi qishloq x'jaligi ishlab chiqarish jaraenlarini matematik modellari	239



Расм 1.5. Юритмани чиқиш валидаги юкламани ўзгаришини графиги

Хулоса

Ҳажмий гидромеханик узатиш асосида айланиш тезлиги доимий юритмаларни ҳисоблаш формулалари MATLAB-SIMULINK дастури ёрдамида математик моделлаштирилди. Жараён моделлаштириш йўли орқали чиқиш графикалари аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Непен Л. П. Автоматическое управление приводом постоянной частоты вращения, МБИ, Балтийский государственный технический университет, Санкт-Петербург. 2013. 123с.
- 2.Дьяконов, В. П. Matlab 6.5 SP1/7 + Simulink 5/6 в математике и моделировании. Серия «Библиотека профессионала» / В.П. Дьяконов, М.: СОЛОН-Пресс, 2005.576 с.
- 3.Гейер, В.Г. Гидравлика и гидропривод: Учеб для вузов. - 3-е изд., перераб. и доп / В.Г. Гейер, В.С. Дулин, А.Н. Заря, М.: Недра, 1991.

Илмий раҳбар

Эркинов Б.Н.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Холова С.О.– магистрант, ТИҚХММИ

Аннотация

Ушбу мақолада таълим жараёнини ривожлантириш борасида республикамызда олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёни муаммолари ва афзалликлари ҳақида фикр мулоҳазалар келтирилган.

Ўқув жараёнида замонавий инновацион таълим технологияларини тадбиқ этиш талабаларнинг интеллектуал салоҳияти, билимлар кенглиги, ижодий ташаббус, фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиш, фаразлар яратиш қобилияти, танқидий фикрлаш, тегишли маълумотлар ва ҳолатларни таҳлил қилиш асосида мураккаб муаммоларни ҳал этиш, альтернатив фикрларни тарозига солиш, пухта ишланган қарорларни қабул қилиш каби хусусиятларининг ошишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари самардорлигини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикамызда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етуқ, баркамол, мустақил фикрлайдиган ва халқаро стандартлар даражасига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, Республикамыз Президенти

Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида шу борада қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди”.

Ҳозирги шароитда мамлакатимизда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда белгиланган муҳим вазифалардан бири сифатида “таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий таълимий шакллари жорий этиш асосида такомиллаштириш” қилиб белгиланганлиги таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини қўллангани аҳамияти бениҳоя катта эканлиги билан ифодаланади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) шиддат билан кириб келиши билан бирга, у таълимнинг самарадорлигини оширишда энг қулай омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам илғор мамлакатлар таълим тизимида компьютер техникасидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилган изланишлар тўхтовсиз кечмоқда [1].

Талабанинг билимини қисқа вақт мобайнида аниқлаб, уни тўғри йўналтиришда ўқитувчи олдида қулай имконият яратилади. Бундан ташқари, талаба олиши керак бўлган ахборотни ҳали давр талабига мос вақтидаёқ, ўз долзарблигини йўқотмасдан олши имконияти мавжудлиги ва топшириқларнинг мураккаблик даражасини тўғри баҳолаш шароити яратилади.

Талабалар компьютерда масалаларни ечиш, жадвал ва график ечимларни тузиш, чизмалар чизиш, матнлар яратиш, расмлар чизиш каби кўплаб имкониятларга эга бўлади. Бу эса — талабалар иккинчи тафаккури ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади. Шундай бўлсада, ўз касбининг маҳоратли соҳиб бўлган ўқитувчи томонидан ўзининг чуқур билими, катта тажрибасига таянган ҳолда, АКТдан фойдаланиб ўтказилган дарс машғулотлари, талабалар кўз олдида намойиш этилган медиа-маҳсулотлари, кўргазмалли материаллари асосида янада қизиқарли бўлиб, осон ўзлаштирилади ва уларда мустақил фикрлаш ҳамда ўз устида ишлаш малакаларини мустаҳкамлайди.

Керакли файлларни ахборот ташувчи қурилмалар – дискета, компакт-диск, флешка ва ташқи хард-дисклардан ташқари, ҳозирда «булутли» сервисларда сақлаш кенгрок тарқалмоқда. Худди шу турдаги хизматларни тақлиф этувчи, ammo бир қанча қулайликлари билан ажратиб турувчи FileCloud.uz сервиси ҳам мавжуд. Булутли технологиялар (инглиз тилида cloud services, cloud technologies) – ҳозирги кунда кенг қамровли атама бўлиб, унинг асосий мазмуни – бирор-бир дастур ёки дастурлар маъмуасини фойдаланувчи қурилмасида эмас, балки интернет тармоғи орқали хизмат кўрсатувчи қурилмасида ишлатган ҳолда маълум турдаги дастурий хизматларни тақдим этиш [2].

Одатда Grid ресурсларни ва ресурсларни атмашадиган корхоналар ва жисмоний шахслардан ташқил топган глобал тарқалган виртуал таъкилотлар доирасида тегишли ресурсларга умумий кириш усулини назарда тутати. Ҳар бир виртуал таъкилот ўз иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлар сиёсатига эга, улар белгиланган қондаларга риоя қилиши керак. Виртуал таъкилот динамик тарада шаклланиши ва чекланган вақт учун мавжуд бўлиши мумкин. Grid технологияларининг салоҳияти жуда юқори: мутахассислар бу стратегик хусусиятга эга деб ҳисоблашади ва яқин келажақда Grid кўплаб инсон фаолияти соҳасидаги технологияларни ривожлантириш учун худди шахсий компьютерлар ва Интернет каби ҳисоблаш воситаси бўлиши мумкин [3].

Бироқ таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг маълум бир қисми замонавий компьютер техникасидан ўқув жараёнида етарли фойдаланиш малакасига эга эмас.

Моддий-техник база ва мультимедиа дастурларидан дарс жараёнида, амалий машғулотларда фойдаланишни билмаслик – барча ишларнинг самарасиз кетгани ҳисобланади. Шунинг учун таълим муассасидаги ўқитувчиларни компьютерда мукаммал ишлашни билдишлари, унинг имкониятларидан ўқитиш жараёнида унумли фойдаланишлари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда бир қатор кенг тарқалган CAD/CAE/CAM тизимлари мавжуд, хусусан, CATIA, Solid Works, AutoCAD, NX Nastran, MSC ADAMS, Inventor and mechanical Desktop, Pro/Engineer, Parasolid, Solid Edg ва бошқалар бир қанча қулайликларга эга бўлсада, бироқ улардан фойдаланувчи кадрларнинг етишмаслиги машинасозлик ва бошқа қатор соҳаларда муаммоларга олиб келади.

Хулоса

Ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ) таълим жараёнига ва таълим олувчини тарбиялашга тезлик билан таъсир қилади, яъни билим бериш ва таълим усулини ўзгартиради. Шу билан бирга таълим тизимида АКТнинг қўлланилиши нафақат таълим технологиясига таъсир кўрсатади, балки бу соҳага янгиликларни киритади. Булар ахборот ва алоқадан фойдаланиш имкониятларини кескин кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Шадманова Г., Мирзаев С.С. “Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари” ТИҚХММИ, 2018й.
- 2.Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. Олий таълим муассасалари учун/ А.Парпиев, А.Мараҳимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимжолов, М.Бекмуратов, Н.Тайлоков. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008, 196 б.
- 3.Бегимжолов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш.// “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004 .

Илмий раҳбар

проф. Шадманова Г.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЯЛПИ ҲОСИЛНИ УЧУН КОРРЕЛЯЦИЯ КОЭФФИЦИЕНТИ ВА ЧИЗИҚЛИ РЕГРЕССИЯ ТЕНГЛАМАСИ

Айнакулов Ш. А., Гуламова А., Шотўраев Б. - талаба, ТИҚХММИ

Аннотация

Мақолада фермер хўжалигидаги ялпи ҳосил ва ишчилар сони боғлиқлиги масаласи ва мавжуд маълумотлар асосида ушбу боғлиқликни прогноزلаш масаласи қаралган.

15 та фермер хўжаликлари учун 100 га экин майдонидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг сўм) ва ишчи кучи (одам) билан таъминланганлик ўртасидаги боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Бу маълумотлар қуйидаги жадвалда берилган [1].

№	100 га экин майдонидаги ялпи ҳосил, минг сўм, (y)	100 га экин майдонидаги ишчиларнинг ўртача сони, одам ҳисобида, (x)
1	409	7,9
2	698	16,1
3	505	10,7
4	380	6,8
5	459	9,5
6	490	11,7
7	395	8,9